

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

СЎЗ БОШИ	5
1.Кобзева О. П. ИПАК ЙЎЛИНИНГ ХИТОЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	6
2.Кебадзе М., Лекидзе Т. XX ASARNING 30-YILLARIDA KAXETIDAGI REPRESSIYALAR ZEMO ALVANI VA KVEMO ALVANI QISHLOQLARI MISOLIDA.....	15
3.Холиқова Р.Э. БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН.....	19
4.Муҳитдинова Ф.А. СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ.....	27
5.Ҳайдаров М.М. УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ.....	43
6.Абраров С.А. ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН.....	51
7.Рахмонқулова З. XIХ- ХХ АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	59
8.Абдуллаев Ў.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	67
9.Абдурасулова Д.Т. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	72
10.Абдурахманова Ж.Н. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА).....	79
11.Азаматова Г.Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ.....	85

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 12. Alimdjanov B.A., Jakparov J.I.**
"SART" ATAMASINING KELIB CHIQISHI HAQIDA V.V. BARTOL'D,
S.LAPIN ORASIDA MUNOZARA.....91
- 13. Амонова Ф.С.**
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА
ТАШКИЛ ТОПГАН РУС САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА.....99
- 14. Ахмедов Т.О.**
"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ
ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР.....110
- 15. Аҳмедова Р.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....117
- 16. Бабаджанова Н.А.**
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
(1946-1991 йиллар).....124
- 17. Бобожонов И.У.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....137
- 18. Бобожонов Ш.**
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ
ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ.....145
- 19. Бабабеков А.Д.**
XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ
ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА
САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
(САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА).....153
- 20. Базарова М. М.**
ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН
ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....165
- 21. Bohodirov I.**
TURKISTON BOSHQARUV TIZIMIDAGI NOMUTANOSIBLIK
VA XALQ KOMISSARLARI SOVETIDAGI ICHKI ZIDDIYATLARNING
O'LKA HAYOTIGA TA'SIRI (1917-1924 YILLAR).....171
- 22. Бегамова Н. Х.**
МУҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШИ ВА ҲУДУДИ.....183

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна,
Тошкент давлат юридик университети
юридик фанлар доктори, профессор
feruza.mukhitdinova@gmail.com
f.muxitdinova@tsul.uz

СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

For citation: Mukhitdinova Firyuza Abdurashidovna. HISTORY AND DEVELOPMENT OF POLITICAL AND LEGAL DOCTRINES. Look to the past. 2020, SI, pp. 27-42

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4>

АННОТАЦИЯ

мазкур мақолада ўзбек давлатчилиги тарихи масалалари қайд этилган. Муаллиф томонидан тарихчи ва ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ишлари қиёсий таҳлил этилган бўлиб, айрим манбалар асосида давлат ва ҳуқуққа оид ғояларга эътибор қаратилган. Эътиборли томони шундаки, муаллиф кенг жамоатчиликка бой сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихининг бугунги кундаги аҳамияти ва долзарблигини асослашга уринган.

Калит сўзлар: қадим, илк, манба, давлат, ҳуқуқ "Авесто", жиноят ва жазо

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна,
доктор юридических наук, профессор
Ташкентского государственного юридического университета.
f.muxitdinova@tsul.uz

ИСТОРИЯ И РАЗВИТИЯ ПОЛИТИКО-ПРАВОВОЙ УЧЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается политические и правовые учения которые прошли многовековой путь развития, которое сегодня стала опять актуальной. Автором уделена внимания на разработке учений о государстве и праве первостепенный

интерес к подлинно человеческим проблемам во множестве политических и правовых учений, впервые в истории поставивших и в духе времени решавших вопрос о правовом равенстве всех людей. Потребность исследования государства и права с использованием широкого комплекса общественных наук.

Ключевые слова: древний, источники, государство, право, Авесто, преступление и наказание.

Mukhitdinova Firyuza Abdurashidovna,
Doctor of Law, Professor,
Tashkent State University of Law
feruza.mukhitdinova@gmail.com

HISTORY AND DEVELOPMENT OF POLITICAL AND LEGAL DOCTRINES

ABSTRACT

The article considers political and legal doctrines that have passed the centuries-old development path, which today has again become outdated. The author pays attention to the development of teachings on the state and law, the primary interest in truly human problems in a variety of political and legal doctrines, which for the first time in history posed and in the spirit of the times solved the issue of legal equality of all people. The need to study state and law using a wide range of social sciences.

Index Terms: ancient, sources, state, law, Avesto, crime and punishment.

Долзарблиги. Маълумки, 2019 йилнинг 29 ноябрда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, барча музокаралар анъанавий дўстлик ва ўзаро англашув руҳида ўтганини, давлат раҳбарларининг минтақада ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини янада мустаҳкамлашга бўлган интилиши ва қатъий сиёсий иродасининг яққол ифодаси бўлганини таъкидлар экан, "Биз ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалаларини атрофлича муҳокама қилдик. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш йўлида бутунлай ҳамфикр эканимизни яна бир бор тасдиқладик. Учрашув долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича бизнинг қараш ва ёндашувларимиз, ўзаро жуда яқин эканини намойиш этди [1] ", - деганда айнан бой тарихимизни назарда тутган десак, хато бўлмайди.

Дарҳақиқат, яшаш, озодлик ва мустақиллик учун кураш ҳуқуқи - инсоннинг, кишилар жамоаси турли шакллари - уруғ, қабила, халқ, миллатнинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқдан жаҳон халқлари фойдаланган ва ҳозир ҳам фойдаланмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон сиёсий харитасида янги мустақил давлатлар қарор топди. Ўзбекистон Республикаси - улардан биридир. Бу Ўзбекистон халқлари тарихида тасодифий ҳодиса эмас, балки неча йиллар мобайнида бобокалонларимиз, оталаримиз олиб борган курашнинг қонуний натижасидир.

Озодлик ва мустақиллик қадим-қадимдан аждодларимиз олий мақсади бўлиб келган. Бу кураш қадим ўтмишда бошланган бўлиб, мамлакатимиз халқларининг бутун тарихи мобайнида давом этган.

2.Тадқиқот методологияси:

Тадқиқот методологияси сифатида тарихий, назарий-қийсий ва ҳуқуқий таҳлилдан фойдаланилган. Мазкур масалага оид манбаларга эътибор берсак, уларни бир неча гуруҳларга ажратса бўлади:

Биринчидан, даврларга кўра, унда ҳозирги Ўзбекистон кўҳна Турон доирасида ташкил топган қадим давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузуми ҳамда ҳуқуқий масалалари ҳақида билим бериш, (Хоразм, қадимги Бақтрия, Сўғд) қадимги давлатлар (мил.авв. IV аср миллодий IV аср) Хоразм, қанғ, Фарғона (Давань); илк (V-VIII аср) ва ривожланган (VIII-XIII аср бошлари) Ўрта асрларда ўзбек давлатчилиги, Темур ва темурийлар даври (XIV аср ўрталари XV аср) давлати ва ҳуқуқи; XVI-XIX аср бошларидаги давлатчилик; Чор Россияси даврдаги давлатчилигимиз тарихи ва ҳуқуқи ҳақида билимлар бериш; ўзбек давлатчилиги ва қонунчилиги тарихига оид манбалар : "Авесто", "Қуръони карим", "Зафарнома", Геродот, Ктесий, Рим, Хитой, Юнон тарихчиларининг манбалари, файласуф, тарихчи, мутафаккирларнинг асарлари, учинчидан, мазкур масала доирасидаги илмий тадқиқотлар, ҳозирги хорижий ва миллий адабиётлартиданишғулот сифа таҳлили шулар жумласидадндир. Минг афсуски, ана шундай бой сиёсий-ҳуқуқий меросимиз бўлажак кадрларга танлов-модул фан асосида ҳатто бир пара ҳам ўқитилмайди. Ҳолбуки, мазкур йўналиш барча таълим йўналишларига ҳеч бўлмаганда 1 пара маъруза, 2 пара амалий машғулот тарзида ўқитилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шу боис ғам, профессор Ҳ.Б.Бобоев томонидан тайёрланган "Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи" 2003 йилдан кейин қайта чоп этилмаган. Айрим манбаларни таҳлили сифатида ҳавола этамиз [2]. Ачинарли томони 2013 йилдан кейин мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар камайиб кетди. Халқаро Ислом академиясида Нигора Юсупованинг 2018 йилдаги монографиясида оила масалалари таҳлил этилган. Ҳолбуки бу ҳам биттагина йўналиш, холос.

3. Тадқиқот натижалари:

2017 йилнинг 24 май куни Миллий ўзликни англаш, тарихий хотира давомийлигини таъминлаш, улкан ёзма меросни асраб-авайлаш, бойитиб бориш ва тадқиқ қилиш ҳамда маданий ва маънавий кадриятларни оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорда ўртаасрларда Марказий Осиё ҳудудидан етишиб чиққан аллома ва мутафаккирларнинг илм-фаннинг аниқ, табиий, гуманитар соҳалари ва ислом илмлари бўйича яратган асарлари тадқиқини кенгайтириш вачуқурлаштириш ҳамда уларни асл матн ва илмий изоҳли таржима шаклида нашр этиб, таълим-тарбия жараёнига жорий етиш ва илмий муомалага киритиш ишларига алоҳида урғу берилган [3].

Тарих манбалари далолат беришича, эрамизгача бўлган дастлабки минг йиллик бошларида Марказий Осиё ҳудудида 20 га яқин қабилалар яшаган бўлиб, улар бир неча қабилалар уюшмаларига бирикишган. Буларнинг орасида сак қабилаларини бирлаштирган массагетлар уюшмаси алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳар бир қабила бир неча уруғлардан таркиб топган.

Бу қабилалар турмуш тарзи тўғрисидаги маълумотлар бизга қадимий муаллифлар асарлари туфайли етиб келган. Масалан, Страбон ўзининг "География" асарида бундай ёзади: "Бу ер (Тавр)дан чапда, каримизда бутун шимолий ҳудудни эгаллаган скиф қабилалари ва кўчманчилар яшайди. Скифларнинг Каспий денгизигача

бўлган ҳудудда яшовчи қисми дайлар деб юритилади, яшовчи массагетлар ва сақлар деб аталадилар, қолганлари, агарда барча кўчманчилар демасак, скифлар деган умумий ном билан аталадилар. Худди шундай массагетлар сақлар таркибига атасиялар ва хоразмийлар ҳам киради деб хабар беради. Бу ҳақда "Бизни муштарак тарих ва маданият, ягона муқаддас дин, ўхшаш менталитет, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва анъаналар, ҳамда ажралмас дўстлик чамбарчас боғлаб туради. Буларнинг барчаси, халқларимиз фаровонлиги ва равнақи йўлида Марказий Осиё давлатлари салоҳиятини бирлаштиришга қаратилган ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади, - дея таъкидлади"- Шавкат Мирзиёев[4].

Шуни қайд қилиш лозимки, ўзбек ҳуқуқшунослик фанида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши масаласига маданий ёндашиш борасида илк фикрлар илгари сурилмоқда. Жумладан, профессор З.Муқимовнинг ёзишича, "Милоддан аввалги бир мингинчи йиллар Марказий Осиё тарихидаги муҳим даврлардан бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, темирдан ясалган меҳнат қуролларининг ёйилиши, суғориш билан боғлиқ деҳқончиликнинг ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг юз бериши давлат вужудга келишининг ҳал қилувчи омилига айланади. Шу билан бирга, бу жараённи тезлаштирувчи омилар ҳам мавжуд. Милоддан аввалги VIII асрда Оссурия кўшинларининг Марказий Осиёга бостириб келиши уруғдошлик тузумининг емирилиши ҳамда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлишини жадаллаштирган. Яъни, босқинчиларга зарба бериш мақсади махсус сиёсий ташкилотга уюшишни тезлаштирувчи омил сифатида хизмат қилган бўлиши мумкин[5]". Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти" китоби муаллифларининг қайд қилишларича, "Дастлабки давлатлар алоҳида маконлар ёки илк шаҳарлар ҳамда ишлов бериладиган ерлар ва суғориш тизими майдони билан чегараланган нисбатан кичик ҳудудда, яъни зич ўзлаштирилган, хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадида кенг фойдаланиладиган қадимги суғорма деҳқончилик воҳаларида пайдо бўлган. Бундай воҳалар аҳолиси учун ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, маконлар ва манзилгоҳлар ҳудудини мудофаа қилиш, суғориш ва деҳқончилик ишларини ташкил этиш, жамоанинг ички ва ташқи алоқаларини бошқариб туриш масалаларини ечиш муҳим ҳаётий зарурият эди. Бу вазифаларни ҳал қилиш мақсадида, у ёки бу кўринишдаги ишларни(кенг қўламдаги қурилиш ва суғориш учун сувни тарқатиш устидан назорат қилишни, жамоадаги диний урф-одатларни бажаришни, баҳсли масалаларни ҳал қилишни ва бошқаларни) ташкил этиш учун жамият жамоадаги ҳурматга эга бўлган кишиларни - йўлбошчиларни юзага чиқарди.

Шу тариқа, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тараққиёти жамиятда алоҳида ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлган кишиларнинг ажралиб чиқишига олиб келди. Улар ижтимоий ишлаб чиқаришда доимий банд бўлмасдан, фақатгина ижтимоий ва хўжалик ҳаёти устидан назорат ва раҳбарликни амалга оширдилар. Лекин улар на бой-бадавлат кишилар, на эксплуататорлар ва на қулдор эдилар. Жамиятда бундай кишиларнинг ажралиб чиқишига уларнинг ахлоқий хислатлари ва обрў-эътибори сабаб бўлган, холос. Аммо бу муҳит кейинчалик алоҳида тўқ оилаларнинг пайдо бўлишига олиб келди ва аста-секинлик билан жамоадаги юксак ҳурматга асосланган ҳокимият мерос тариқасида отадан ўғилга ўта бошлади.

Ўзбекистондаги дастлабки давлат уюшмалари ҳам деҳқончилик воҳалари аҳолисини четдан бўладиган босқинчилардан ҳимоя қилиш ва жамоадаги муносабатларни ҳуқуқий бошқариб туриш учун ташкил топди [6].

Марказий Осиёда яшаган қабилалар орасида массагетлар алоҳида ўринни эгаллайди. Бўлар тўғрисида Страбон қуйидагиларни маълум қилади. Массагетларнинг айримлари тоғларда, айримлари текисликларда, учинчилари, дарёлар ҳосил қилган ботқоқликлардаги оролларда яшашади.

Айтишларича, Аракс (Амударё) мамлакатда бошқа дарёларга нисбатан кўпроқ тошар экан. Оролларда яшовчи массагетлар илдизлар ва ёввойи меваларни еб кун кечиринган, чунки улар деҳқончиликдан хабардор бўлишмаган. Юқорида баён этилганлардан, массагетлар ва саклар Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон халқларининг аجدодлари бўлишган деган хулоса келиб чиқади.

Бизгача етиб келган манбалар таҳлили бу қабилалардаги бошқариш, урф-одат ва анъаналар шакллари асосан ўхшаш бўлганлигидан далолат беради. Ҳар бир қабила бир неча уруғдан таркиб топиб, уларнинг аъзолари биргаликда меҳнат қилишган ва уруғ мулкидан биргаликда фойдаланишган. Эркаклар ва аёлларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенг бўлиб, ҳарбий ҳаракатларда аёллар бошчилик қилишган. Масалан, ўтмиш муаллифи Диодорнинг ёзишича, сакларда Зарина исмли ўта жанговор аёл шоҳлик қилган. Умуман олганда, бу қабила аёллари жуда мардона бўлиб, урушда эркакларга ҳамроз бўлишган.

Энг муҳим ва умумий масалалар уруғ ҳамда қабила аъзоларининг умумий йиғинида муҳокама қилинган. Ижтимоий муносабатлар одат ва анъаналар воситасида тартибга солинган. Ҳар қандай ҳукм ва қарорлар уруғ ва қабила йиғинида қабул қилинган. Умуман, бу қабилалар ўзини-ўзи бошқарадиган, эркин ва мустақил бўлишган.

Эрамизгача бўлган VI асрнинг иккинчи ярмида Аҳмонийлар давлатининг шоҳлари Ўрта Осиёга юриш бошлашган. Уларнинг юришларига массагетлар кучли қаршилик кўрсатишган. Улар ўз ерларнинг ҳар бир қаричи учун ўз эркинликлари ва мустақилликларини сақлаб қолиш учун мардонавор курашишган. Тўмарис исмли аёл ҳокимлик қилганлиги тарихдан маълум. Тўмарис тарихий шахс бўлиб, у Ўрта Осиёда яшаган сак-массагет қабилаларининг ҳукмдорларидан бири бўлган. Тўмарис аёл киши бўлишига қарамай, бир сўзли, мард ва ниҳоятда шиддаткор саркарда бўлган. У ўзининг шахсий бахтидан кўра ўз қабиласининг, халқининг бахт-саодатини, тинчлик ва осойишталигини афзал кўрган. Шунинг учун ҳам у ватаннинг дахлсизлигини, қабиладошларининг эрки ва мустақиллигини таъминлаш учун қудратли Эрон аҳмонийлар сулоласининг шоҳи Кирни енгади.

Эрамиздан олдинги 522 йилда Эронда ҳокимият Доро 1 (эрамиздан олдинги 486 йилгача ҳукмронлик қилган) қўлига ўтган. У подшолик қилган даврда Ўрта Осиёда эронликлар ҳукмронлиги ўрнатилган.

Ўлканинг эркесвар қабилалари ва халқлари чет эллик ҳукмдорларга қарши тўхтовсиз курашганлар. Ўз фаолиятини абадийлаштириш мақсадида Доро 1 томонидан ўйдириб ёздирилган машҳур Бехустун ёзувида Парфийлар, Марғиёналиклар, саклар мамлакати эронийлар ҳукмдорлигига қарши бош кўтарганлиги кўрсатилган. Ёзувдан қуйидагиларни ўқиймиз: "Подшо Доро гапиряпти: "Парфия ва Гиркания мендан ажралиб чиқдилар ва Фарвартишга қўшилдилар. Менинг отам Виштаси Парфияда бўлди. Халқ ундан ажралган ва кўзғолон кўтарган. Шунда Виштаси ўзига содиқ қолган кўшин билан юриш бошлади. Ахурамазда хоҳиш-истаги билан Виштаси кўзғолончи кўшинни қириб ташлади. Сўнгра мен Виштасига Рага деган жойдан эроний кўшинларни юбордим. Кўшин Виштасига етиб келганда, Виштаси кўшини ўз қўмондонлигига қабул қилди ва Парфиядаги Патиграбон шаҳри томон юрди, кўзғолончилар билан

жанг қилди. Ахурамазда менга ёрдам берди. Ахурамазда хоҳиш-иродаси билан Виштаси қўзғолончилар қўшинини яксон қилди.

Марғиёна деб аталадиган мамлакат мандан ажралиб чиқди. Фрада исмли бир кишини марғиёналиклар ўзларига ҳукмдор этиб кўтарганлар. Шунда мен ўзимча қарам бўлган Бақтриядаги ҳоким Додаршишга одам юбориб унга шундай дедим: "Бор ва мени тан олмаган қўшинни яксон қил". Додаршиш қўшини билан юриш қилди ва марғиёнликлар билан жанг қилди. Ахурамазда менга кўмак берди. Ахурамазда хоҳиш-иродаси билан менинг қўшиним қўзғолон кўтарган қўшинни буткул енгди.

Шундан сўнг мен қўшин билан Саклар мамлакатига, ўткир учли бош кийим киювчи сакларга қарши юриш қилдим. Шундан сўнг дарё бўйига (Амударё ёки Сирдарё назарда тутиляпти) келиб, уни солларда кечиб ўтдим. Шундан сўнг сакларни бутунлай енгдим. Уларнинг Скунху исмли бошлиқларини ушлаб олдимга олиб келдилар. Шунда мен ўз истагимча бошқа одамни уларга бошчи этиб тайинладим. Шундан сўнг мамлакат меники бўлиб қолди". Беҳистун ёзувида бобилликлар, эламитлар, мидианликлар, эронлар ва бошқа бўйсундирилган халқлар эронликлар ҳукмдорлигига қарши бош кўтарганликлари тўғрисида малъумотлар бор. Бу халқлар қўзғолонлари оғир ўлпонлар, мушкул мажбуриятлар, кундан қўзғолонлари Аҳмонийлар давлатининг мустаҳкам эмаслигини кўрсатди. Аҳмонийлар давлати ҳарбий-ўлпон тўлайдиган маъмурий округлар ҳокимларга бўйсунди. Ҳокимликка ҳокимлар - подшо ноиблари бошчилик қилишган. Улар эронликлардан тайинланган. Маъмурий ислоҳотлар ўтказгунга қадар ҳокимликлар ҳарбий бўлмаган ноиблардан тайинланарди. Ижро этиш бошқарув ва суд ҳокимияти уларга бўйсундирилганди. Улар ҳокимликдаги хўжалик ҳаётини, ўлпонлар йиғилишини кузатиб боришарди, ўзларига бўйсунувчи ҳудуддан ўтувчи йўллардаги хавфсизликни таъминлашарди, мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилишарди. Уларга кўплаб мансабдор шахслар ва мирзолар, солиқ тўловчилар ва жарчилар, суд терговчилари, ҳисобчилар бўйсунарди. Ҳокимлар кумуш танга зарб қилиш ҳуқуқига эга эдилар. Қўшинга бевосита подшога бўйсунувчи лашкарбошилар бошчилик қиларди. Ҳокимлар ва лашкарбошилар марказий бошқарув билан узвий алоқада бўлганлар, подшо ва унинг амалдорлари уларни доимо назоратлари остида ушлаганлар. Марказ ва музофотдаги барча воқеа ва ҳодисалар устидан доимий кузатувни ҳокимлар ва бошқа маҳаллий ҳокимиятдан мустақил бўлган, бевосита подшога бўйсунадиган ва унга ҳар қандай гап ва ишлар тўғрисида ахборот бериб турадиган "подшо қулоқлари", "қўзлари" амалга оширишган.

Босиб олинган ерларда бутун бошли ҳарбий гарнизонлар сақланган. Лашкар босиб олинган халқлар қаршилигини бостириб турувчи асоси куч бўлган. Эрамиздан олдинги V асрда Миср, Бобил, Мидия, Кичик Осиё халқларининг эронликларга қарши ғалаёнларининг янги босқичи бошланди. Босиб олинган мамлакатлар халқларининг ғалаёнлари эрамиздан олдинги V аср охирида ҳам VI аср бошларида ҳам давом этди. Бу борада Ўрта Осиё халқлари алоҳида ажралиб турадилар. Улар хорижий зулмга қарши доимий кураш олиб борганлар, каҳрамонлик ва жасорат, Ватанга, ота-боболари ерига садоқатни намоён қилганлар, ўз мамлакатларини ўзгалар ҳукмронли-гидан озод қилишнинг мумкин бўлган барча чораларини қуришган. Бундай тўхтовсиз курашлар натижасида эрамиздан олдинги - IV аср иккинчи ярмида Хоразм мустақил давлатга айланди. Худди шу даврда Сугдиёна ва сак қабилалари ҳам мустақилликни қўлга киритдилар.

Мана шу даврда сиёсий уфқда Аҳмонийларнинг ҳавфли душмани Искандар

Зулқарнайин (Александр Македонский) пайдо бўлди. Эрамиздан олдинги 334 йил баҳорида унинг лашкарлари Аҳмонийларга қарши йўлга чиқди. Биринчи тўқнашув Геллеспонт кучоғида бўлди. Искандар қўшинларининг қўли баланд келди. Эрамиздан олдинги 333-330 йилларда македонияликлар эронликлар давлати таркибида бўлган Киликия, Сурия, Миср, Бобил, Персополь, Пасаргад ва бошқа мамлакат ҳамда шаҳарларни бирин-кетин қўлга киритдилар. Натижада Эроннинг ўзи ҳам енгилди ва Искандар империясининг қисмига айланди. Худди шу даврда Бақтрия ҳокими Бесс ўзини "Осиё подшоси деб эълон қилди. У Бақтрия, Марғиёна, Суғдиёна ва Парфияни бирлаштирган ягона давлатни ташкил этишга уринди. Аммо унинг бу йўналишдаги уруниши ижобий натижа бермади. Манбалар далолат беришича, Ўрта Осиё халқлари Искандар қўшинига кучли қаршилик кўрсатишган. Ҳар бир шаҳар, қалъа учун босқинчилар ва ҳимоячилар ўртасида шиддатли жанглар бўлган. Бу курашда сўғ-диёналиклар алоҳида ўртак кўрсатган. Улар грек македонияликларга қарши бир тан, бир жон бўлиб курашганлар. Гап она заминларнинг озодлиги ва мустақиллиги ҳақида борганда, улар ўз ерларини ўта мардлик кўрсатиб босқинчилардан ҳимоя қилганлар. Бу кураш Ўрта Осиё халқлари қадимий тарихининг ёрқин саҳифаси бўлган.

Искандарга қарши курашга маҳаллий лашкарбоши Спитамен бошчилик қилган. Ўзига ҳеч ким эриша олмаган нарсага эришишга муваффақ бўлди: у жангда македонияликлар қўшинининг бир қисмини қириб ташлади". Аммо Ўрта Осиё халқларининг босқинчиларга қарши курашлари бу билан тўхтаб қолмади. Халқ қўзғолонлари гоҳ у, гоҳ бу шаҳарда кўтарилиб турди.

Чет эллик золимларнинг босқинчилик юришларига қарши курашга ундовчи асосий куч мустақилликни сақлаб қолиш масаласи бўлган. Айнан мана шу гоҳ барча уруф ва қабилаларни бирлаштирувчи асос бўлган.

Халқларнинг эронликлар ва юнонлар ҳукмронлигига қарши кўп сонли курашлари ҳаддан зиёд солиқлар ва мажбуриятларни бекор қилиш, ўрнатилган тартиб ва ҳокимият вакилларига бўйсунмаслик, чет эллик золимлар ҳокимиятини ағдариш, улар қабул қилган қонунларни тугатиш, мамлакатдан ҳарбий ва маъмурий мансабдорларни қувиб чиқариш ишлари остида ўтган.

Бу қўзғолонлар қатнашчиларининг асосий мақсади озодлик ва мустақиллик бўлган. Курашлар жараёнида мустақил давлатлар сиёсий-ҳуқуқий тузилиши тўғрисидаги гоҳлар шаклланган ва ривожланган. Ўз қонунларини яратиш, иқтисодиёт, маданиятни ривожлантириш, маросим, одат ва анъаналарга риоя қилиш хусусида маҳаллий аҳоли манфаатларига жавоб берган уруф ва қабила органларини тиклаш тўғрисидаги фикрлар илгари сурилган.

Айтиш мумкинки, хорижий зулмга қарши кураш жараёнида илгари сурилган гоҳлар мустақил давлатлар органларини ва уларнинг ҳуқуқий муассасаларини ташкил этишда ўз аксини топди. Ўрта Осиё халқлари манфаатларига жавоб бермайдиган, уларнинг турмуш тарзи ва анъаналарига мувофиқ келмайдиган сиёсий-ҳуқуқий тартиботлар эса тугатилган. Эрамиздан олдинги II асрга келиб Ўрта Осиё халқлари тарихида сиёсий беқарорлик даври бошланади. Бу даврга келиб Бақтриядан Суғдиёна ажралиб чиқади. Бақтриянинг қисми Марғиёнани парфияликлар босиб олади. Бақтрияга шимолдан кўчманчи массагетлар қабилалари ҳужум қилади. Натижада Бақтрия худудида ўтроқлашган шаҳарлар Хоразм билан чегарадош бўлган Тоҳаристон давлатини ташкил қиладилар. Ўша вақтларда Хоразм давлати таркибига Хоразм, Суғдиёна ва Чоч (Тошкент) киради. Эрамиздан олдинги I асрда собиқ Юнон бақтрия подшолиги худудида бир нечта давлат уюшмалари

ҳукм сурган.

Агар эътибор берсак, дастлабки таълимотлар тарихида Тўмарис, Широқ, Спитамен ҳақидаги сиёсий қарашлар, ҳамда уларда илгари сурилган ғоялар мавжуд. Шунингдек, "Авесто"даги сиёсий-ҳуқуқий ғояларда илк давлатчилик ва уни бошқаришга оид маълумотлар келтирилган. Масалан, Ўзбекистоннинг милоддан аввалги 1 минг йилликнинг биринчи ярмига оид тарихи илк ёзма манба "Авесто"да берилган. Авестода биринчи бўлиб, ушбу заминда яшаган элатлар, халқлар, афсонавий қаҳрамонлар, подшолар ҳамда давлатлар, давлатларнинг бошқарув тизими, халқларнинг машғулоти батафсил баён этилган.

Ҳақиқатан ҳам уч минг йиллик тарихимиз ҳақидаги, давлат пайдо бўлиши ва унинг бошқарилиши, одамлар ўртасидаги муносабатлар, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш ғоялари билан суғорилган буюк тарихий-сиёсий-ҳуқуқий манбадир.

"Авесто"да дунёнинг яратилиши, инсоннинг камол топиши, эзгулик учун ёвуз кучлар билан кураши, эркинлик ижодкорлик ва бунёдкорлик йўлидаги орзулари ўз ифодасини топган.

Маълумки, давлатимиз раҳбари миллий-диний қадриятларимизни тиклаш, буюк аجدодларимизнинг ислом ривожига қўшган улкан ҳиссасини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, "Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказа билишимиз керак. Бу марказга келган одам тарихимиз ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши, катта маънавият олиб кетиши зарур [7]," - деганди Шавкат Мирзиёев.

Демак, "Авесто" китоби милоддан олдинги VI асрда юзага келган ва унда илк тарихимиз ҳақидаги маълумотлар бор. Инсон тарбияси, унинг жамият ҳаётидаги асосий вазифасига оид масалалар бугунги кунда ҳам уз аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни таъминлаш мақсадида "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" ишлаб чиқилди ва унда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қаторида жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий қарашларга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим вазифа сифатида кўрсатиб ўтилганди.

Яна тарихга назар ташласак, Абу Райҳон Берунийнинг хабар беришича, "Авесто"нинг қўлёзмаси ўн икки минг молнинг терисига олтин ҳарфлар билан ёзилган экан. Искандар "Авесто"ни куйдириб ташлашдан олдин унинг тиб, астрономияга оид қисмларини юнон тилига таржима қилдирган ва Юнонистонга жўнатилган. Бир нусхасини эса зороастризм эътиқодига содиқ кишилар сақлаб қолганлар. Таъқиб ва қувғин шароитида уни сақлаб қолиш осон бўлмаган. Кейинчалик сосонийлар ҳукмронлиги даврида (милоднинг III-VII асрлари) зороастризм расмий эътиқод сифатида танилган. Сосонийлар "Авесто"ни тиклаш учун унинг мазмунини ўрганиш ҳамда уни паҳлавий тилда ёзиб чиқишган.

1755-1761 йилларда француз олими Анкетилл Дюперрон Ҳиндистоннинг Гужарат вилоятида эрон зардуштийларининг авлодлари - парсларнинг урф-одатлари ва диний маросимлари билан танишиб чиққан. Ҳамда энг асосийси, француз олими парсларнинг диний ёзувларини ўқишга муяссар бўлган. Шундан

"Авесто"нинг ҳозирги таҳлил учун асоси бунёд этилган.

Марказий Осиё халқларининг тарихини Турон замин ҳудудида шаклланган энг қадим даврни ўрганишда асосий тарихий-ҳуқуқий манба - "Авесто", яъни зардуштийликнинг муқаддас китобидир.

"Авесто"да зардуштийлик динининг қонун-қоидалари, фарз ва суннатлар, Яздони покнинг яратувчилик қудрати таърифи-ю, мадҳи билан бирга ижтимоий ҳаёт, турли ижтимоий табақалар, мавжуд тузум тартиб-низомлари, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқини эъозлаш, оила даҳлсизлиги ва мустаҳкамлигига эришиш, ота-онанинг фарзанд олдидаги, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи ҳақида ёзилган.

"Авесто"да қадимда Сирдарё ва Амударё бўйидаги халқлар тарихидан ҳикоя қилади. Унда инсон ҳаёти, турмуш билан боғлиқ жуда кўп муаммоларга тўхталган. "Авесто"да жазо бериш - диний-этник қоидаларга бўйсундириш вақтидаги ҳаракат маъносида қўлланилиб, хатти-ҳаракат учун тўловни англаган.

Мамлакатимиз тарихига оид энг қадимги ёзма гувоҳликларни ўзида мужассамлаштирган "Авесто"да минтақанинг Хоразм (Каиризем, айранём-вэжо), Суғдиёна (суғдлар макони Гава), Марв (Моуру, Нисо), Бақтрия (Бахди) каби бир қанча тарихий вилоятлар номи келтирилган. Бунда воқеалар баёни Ахурамазда номидан бериб борилади: "Мен Ахурамазда энг аввал макон ва мамлакатлар сирасидан Айранам-вэжони... сўнгра суғдлар яшовчи Гавани, кейин эса Моурини ва тўртинчи бўлиб Бахдини, бешинчи бўлиб эса Моуру ва Бахди орасидаги Нисайини... яратдим".

"Авесто"да келтирилган бу маконлар катта бир вилоят сифатида шаклланиб, ўзининг жуғрофий ҳудудига эга бўлганлигига шубҳа йўқ. Мазкур жараён минтақадаги Амударё, Зарафшон, Муғроб, Тажан, Қундуз каби дарёлар атрофида кечган. Шунга кўра, Хоразм, Бақтрия, Ария (Ариана), Парфия, Гиркания, Марғиёна ҳамда Фарғона каби бир қанча вилоятлар бўлиб, уларни бирлаштириб турувчи асосий марказ Хоразм ҳисобланган. Хоразмнинг энг қадимги сулоласи "сиёвушлар" деган ривоятлар мавжуд. Дастлабки "Авесто" 21 тарихи китобдан иборат бўлган. Айрим қисмлари сақланиб қолган: Ясна - "қурбонлик келтириш", Виспарт - "ҳамма ҳукмронлар", Яшт - "қадрлаш", "улуғлаш", Видевдат - "девларга қарши қонун" бўлиб, сосонийлар даврида таҳлил қилинган.

Ясна китоби 72 бобдан иборат бўлиб, улардан 17 таси "Готалар", пайғамбар Заратуштранинг "муқаддас кўшиқлари", унинг диний насиҳатларидан иборат.

Виспарт 24 бобдан иборат бўлиб, зардуштийларнинг айрим худоларига бағишланган мадҳиялардир. Улар байрам ва диний маросимларда ижро этилган.

Яштнинг 21 бобида ёзувсиз замонларга оид эроний қабилаларнинг тасаввурлари сақланган. Бу китобда афсонавий қаҳрамонларга ва улуғ худоларга бағишланган мадҳиялар тўпланган. Қадимги қабилалар оғзаки ижоди асосида Яшт боблари пайдо бўлган. Видевдат тўлиқ сақланган китобдир, унинг тарихий санаси Ясна ёки Яшт қисмларига нисбатан ёш ҳисобланади. Видевдат 22 та бобдан иборат. "Авесто"ни ўрганишда пайғамбар Заратуштра фаолияти ва зардуштийлик динининг вужудга келиши муаммосига эътибор берилади.

Заратуштра (юнонча - Зороастр, ўрта форс тилида - Зардушт)нинг номи қадимги Эрон Зрауштра сўзидан келиб чиққан. "Зар" - бу олтин, "уштра" туя ёки уч хил маънода - "Олтинтуяли", "Олтин туя эгаси", "Туялар етаклаган одам" деб таржима қилинади. Гап шундаки, "Авесто"нинг яратилиши давлат арбоби ва қонуншунос, дин илоҳиётчиси сифатида Зороастр ва Отарбон унвонлари соҳиби, ўз давида

"пайғамбар" (эзгулик ҳақида хабар берувчи) сифатида шуҳрат қозонган Спитамон номи билан боғлиқ бўлиб, Спитамон Зардушт тахминан м.авв. 630-553 ёки 618-341 йилларда яшаган даврда Марказий Осиёда кўчманчилик инқирозга учраб, Турону Эронда эл бўлиб, ўтроқ яшай бошлаган: туркийлар, форсийлар, дербиклар, Бақтрияликлар ўтроқ ҳаётга мослашиб, деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчиликка ўта бошлаганлар ва қадимиги шаҳар вилоятларига асос бўлишган эди. Патриархал уруғ жамоаси муносабатлари ўрнини марказлашган давлат тизими эгаллаши билан характерланади.

"Авесто"да инсон ижтимоий меҳнати туфайли барча ёмонликдан, ёвузликдан қутулиши мумкинлиги ғояси ётади. Деҳқончиликдаги меҳнат яхшиликнинг юзага чиқишида ва инсонни қайта тарбиялашда асосий омил Ахурамазда қонунига бўйсунуш ҳисобланади. Ким ғалла экса олий жанобдир. Ғалла эккан киши эзгулик уругини сочади. Демак, меҳнат ва табиий эҳтиёж туфайли инсонлар бирга яшашини илгари сўради.

"Авесто"да эркин, мўътабар одам "адама" деб жамоа уруғлари, эркин жамоа аъзоси "асна"маъносида қўлланилган. Бойлик "гайта" деб, у мол билан ўлчанган. Ижтимоий таркиби "нмана" - оила бирлиги бўлиб, уй, хонадон маъносида бўлган. Оила бошлиғи - Нманапати, Видевдат китобида қул "вайса", яъни уруғ қули деб тилга олинган.

"Вира" нмана - катта оила хизматкори дейилган. "Авесто"да эркин жамоа аъзоларидан камбағаллашгани - "парнайтар" чўпон атамаси билан юритилиб, унинг кимгадир қарам, тобелигини билдиради. "Вира, вайса, парнайтар" - бошқа эркин аъзоларга нисбатан ҳақ-ҳуқуқлари чекланган. "Авесто"да жамият тўртта асосий қисмга бўлинади. Уй, оила жамоаси - "нмана", "дмана", уруғ жамоаси - "вис", "қабилла", "занту", қабилалар иттифоқи - "дахью" деб аталган. Вис 15 тарихий қариндош нманадан ташкил топган. Висга қизнинг фарзандлари кирмаган. Чунки, вис мутлақо патриархал оила бўлган. Жамият иқтисодий асосини уруғжамоаси ташкил этиб, ижтимоий-ҳуқуқий вазифани бажарган. Мамлакатни идора қилган шахс "кави" ёки "састар" деб юритилган. "Састар" сўзи орқали қабилаларнинг ҳарбий йўлбошчиси тушунилган.

Яштнинг учинчи бобида бундай хабар қилинади: "Худо Митрани биз улуғлайсиз. Унга ҳеч ким ёлғон гапира олмайди: уйда - оила бошлиғи, уруғ оқсоқоли, қабилла йўлбошчиси ва мамлакат сардори. Агар уй эгаси, уруғ оқсоқоли ёлғончи бўлса, ғазабланган Митра бутунлай оилани, уруғни, қабилани, мамлакатни ва уларнинг бошлиқларини тамоман йўқ қилади. Оила, уруғ, қабилла бошлиқлари "пати" сўзи қўшиб нманапати, виспати, дахьюпати деб ишлатилган. Шу билан бирга мамлакатни идора қилган шахс "кави" ёки "састар" ҳам деб аталган. "Авесто"да ўч олиш, гаровга туриш қоидалари бўлиб, у Виспати - уруғ бошлиғи, судья, диний устоз томонидан тартибга солинган.

Манбада келтирилган маълумотлар Марказий Осиёда қабилаларнинг сиёсий бирлашмаси ташкил топган даврларга (мил.авв. IX-VII асрлар) мансуб - Арёнам Вайжо, жуда катта ҳарбий аҳамиятга эга деб кўрсатилади.

"Авесто"га кўра, Шарқий Эрон подшоларининг рўйхати қуйидагича: "Хаошъёнх эронийларининг биринчи афсонавий подшоси (Шоҳномада-Хушанг), кейин Йима (Жамшид) - подшо-подачи, Съёваршон (Сиёвуш), Кави Хаосров (қай-Ҳисров), Кави Виштасп.Кавилар - подшолар сулоласидир.

Зардуштийлик динида имон уч таянчга асосланади:

1) фикрлар софлиги;

- 2) сўзнинг собитлиги;
- 3) амалларнинг инсонийлиги.

"Авесто"да "Берган сўзнинг уддасидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотиқ ва шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни ўз вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш имонлилик аломатидир" - дейилган. Ҳаётига, соғлиғига ва шахсига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар энг оғир жиноятлар ҳисобланиб, бундай жиноятлар подшоҳ томонидан кўрилиб, ҳукм чиқарилган. Мазкур жиноятлар учун ўлим жазоси қўлланилган. Айрим ҳолларда жиноят содир этган кишининг оила аъзолари ҳам ўлимга ҳукм этилган.

"Авесто" қонунлари ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдан, диндан келиб чиққан қарашлар, жамиятдаги инсонларнинг ўзаро алоқалари тажрибасига асосланган бўлиб, инсон ва жамоанинг ҳар кунги ҳаётини, ички ва ташқи муносабатларини ҳуқуқий назорат қилишига қаратилган. Бундай ёндашув даставвал ноҳақлик ва жиноятга тўсиқ қўйиш, уларнинг олдини олиш мақсади билан узвий боғланган.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби "Авесто"да одамларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари маълум қонун-қоидаларга асосланганлиги ҳақида маълумот бор.

Агар кишилар Ахура-Мазда яратган қонунларга қатъий амал қилсалар, ҳақиқат (адолат) ва эзгулик ёвузлик устидан тантана қилиб бораверади, дейилади.

"Авесто"да таъкидлаганидек, Сипийтмон Зардушт бутун ҳаёти давомида "Эзгу фикр, Эзгу калом, Эзгу амал" каби ахлоқий-ҳуқуқий ғояларга риоя қилади. Ўлимдан сўнг марҳум устида ўтказиладиган ҳисоб-китобда Ҳақиқат тангриси (Илоҳи) Рошну эзгулик ва ёвузлик ишларини адолат тарозида салмоқланиб кўради. Қувонарли томони шундаки, "Авесто"да жамиятнинг барча аъзолари ким бўлишидан қатъи назар, эзгуликка интилиши лозимлиги таъкидланган.

Чунончи, қадимТурондаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг кейинги даврларда ривожланишига туртки бўлган омиллардан бири Моний ва Маздак ғоялари ҳисобланади.

Зеро, сиёсий таълимотларнинг хилма-хиллиги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи ривожига маълум даражада таъсир этишини инкор этиб бўлмайди. Барча сиёсий таълимотларни бир тизимга солмоқчи бўлсак, барча даврларга хос бўлган ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий муаммоларга нисбатан билдирилган илғор сиёсий фикрларга дуч келинади. Ана шундай ўз даври учун илғор сиёсий-ҳуқуқий қарашларга қуйидаги таълимотлар мисол бўла олади:

III асрда республикамиз ҳудудида кенг тарқалган монийчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий мафкурасининг айрим парчалари бизгача етиб келган. Монийчилик Шарқда илгари тарқалган динлар буддизм, оташпарастлик ва христианликка қарши муҳолиф диний оқим сифатида шаклланган. Монийчилик асосчиси Моний бундай ёзади: "Олдинги динлар фақат битта мамликатда ва битта тилда мавжуд бўлган. Фақат менинг диним шундай хусусиятга эгаки, унга исталган мамлакатда, исталган тилда эътиқод қилишлари мумкин". Уни энг чекка мамлакатларда ҳам тарғиб қиладилар. Монийчиликнинг марказий ғояси икки асос. Зиё (яхшилик) ва Зулмат (ёмонлик) ўртасидаги кураш бўлган. Бу табиат учун ҳам, жамият учун ҳам хос нарсалардир. Зиё (яхшилик) сиёсий ва ҳуқуқ тилига таржима қилинганда ҳукмронликнинг яхши, саховатли шаклини, адолатлилик, қонунийлик, тинчлик, осойишталик, халқ ҳақида ғамхўрлик ва шу қабиларни англатади. Зулмат (ёмонлик) эса - ўзбошимчалик, зўравонлик, истибдод, қонунсизлик, ноҳақлик, уруш, жиноят, тартибсизлик ва шу қабилардир.

Монийчилик сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги бутпарастлик, зулм, қонунсизлик, эзиш, жиноятчилик, ҳаракатсизлик ва тенгсизликни қоралаш билан тўйинган. Моний ва унинг издошларининг фикрича, бу сиёсий-ҳуқуқий иллатлар абадий эмас. Улар устидан идеал сиёсий-ҳуқуқий тузумнинг асосий принциплари бўлиб қолиши лозим бўлган одамлар ўртасидаги адолатсизлик, қонунийлик, инсонийлик, тенглик, тинчлик ва дўстлик муқаррар ғолиб келади.

Моний таълимотида таланган ва таҳқирланган деҳқонлар оммасининг талаб ва идеаллари ўз аксини топган. Умуман у деҳқон демократик тусда бўлган. "Аmmo монийлик ҳар қандай фаол ҳаракатни рад этган ва курашнинг маҳсулсиз пассив усулларини тарғиб қилган, натижада у кейинчалик тушкунлик, тасаввуб ва ҳаётдан кечишни тарғиб қилувчи турли майда секторларга бўлиниб кетган.

V аср охири - VI аср бошларида сиёсий-ҳуқуқий тафаккуридаги энг кучли оқим маздакийлик бўлиб, у Эрон, Озарбайжон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалганди. Маздак таълимотида жамият меҳнаткаш табақаларининг сиёсий-ҳуқуқий талаблари акс этган. Маздак ва унинг издошлари хусусий мулк, бойлик ва зеб-зийнатни кескин қоралайдилар. Уларнинг фикрича, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётдаги барча нуқсонларнинг асосий манбаи озчилик қўлида тўпланган хусусий мулк ҳисобланади. Барча нуқсонларга барҳам бериш учун хусусий мулкни сиёсий ҳокимияга эга бўлган бойлар қулидан зўрлик билан тортиб олиш лозим. Мулк жамиятнинг барча аъзолари ўртасида тенг тақсимланиши лозим, зеро, Худо уни бирга тенг эгалик қилиши учун яратган.

Маздак ва унинг издошлари жамиятда мулкий тенгликни қарор топтириш тарафдорлари бўлиб чиққанлар. Маздак ҳақидаги қиссани Фирдавсий "Шоҳнома" достонида шундай байтлар билан бошлайди:

Дунёда яшарди Маздак номли зот,
Нотиқу билимдон, тадбирли устод.
Улуғ аслзода, донишманд киши,
Кубодга маслаҳат хунари, иши...

Фирдавсийнинг ёзишича, оч кишилар Маздак ёнига келиб, уларни ўз ҳимоясига олишни илтимос қилишди. Маздак уларга ваъда бериб, шоҳ ёнига йўл олади. Маздак подшога шундай савол беради:

Илон чаққан кишидан тарекни аяб бермаган кимсанинг мукофоти не бўлур?

Бундай золимнинг жазоси - ўлим! - дейди шоҳ Кубод. Бундай жавоб олган Маздак халқни тинчлантиради. Эртаси кун у яна шоҳга савол беради: - Улуғ шоҳ, қўл-оёғи боғлиқ бермай, унинг очдан ўлишига сабаб бўлган кишининг мукофоти не бўлур?

-Ундайнинг жазоси - ўлим! - дейди шоҳ. Шоҳдан бу сўзни эшитган Маздак саройдан чиқиб, очларга мурожаат этади ва бадавлат кишилар, шу жумладан шоҳлик омборларидаги донни талаб олавериш кераклигини уқтиради. Шоҳга хабар этади, - Маздакни чақириб уни жавобгарликка тортади. Маздак шоҳга ўз савол-жавобини эслатади: Маздак жавоб берди:

"Саодатли шоҳ, Ҳар сўзинг беқиёс ақлдан гувоҳ.

Сенинг сўзларингни айтдим улусга,
Неки деган бўлсанг ҳар бир хусусда.
Дедингки, бировни чақсаю илон,
Биров тарекини гар тутса пинҳон,
Баробардир, дединг, қотиллик билан,
Шундай ҳукм этдинг одиллик билан.

Оч қолган кишининг нондир тариғи,
Буни ҳис этгайми тўқнинг идроки".

Маздак ва унинг издошлари бўлган кишилар ўртасида мулкий тенглик, давлат ва қонун олдида тенглик қарор топадиган жамиятни орзу қилишган. Тенглик ғояси катта муваффақиятга эга бўлган ва кенг халқ оммасини жалб қилган, у жамият меҳнаткаш оммаси қатламларининг ижтимоий зулм, ҳуқуқсизлик, деспотизмга қарши, курашида асосий талабга айланган. Табарийнинг сўзларига кўра, "оддий халқ бу қулай фурсатдан фойдаланиб, Маздак ва унинг издошлари сафига қўшилган ҳамда унинг теварагида жипслашганлар". Беруний хабар беришича, "сон-саноксиз кишилар унга эргашганлар". Маздакийлик тарафдорлари тенглик ғоясини илгари суришнинг ўзи билан чекланиб қолмаган. Улар буни амалда рўёбга чиқаришга уриниб кўришган: бойлар мулкини тортиб олиб, уларни камбағаллар ўртасида тақсимлашган.

"Шоҳнома"да ёзилишича, Маздак барча жамият аъзоларининг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий тенглигини ҳимоя қилган.

Маздак оддий халққа фикр этиб изқор,
Дерди "Бою гадо - баробар зинҳор.
Кам ортиқ бўлмасин ҳеч кимнинг моли,
Бир бўлсин ўриш ва арқоқ мисоло,
Бойлик, бечоралик бўлмасин, токим
Тенглик бўлсин жаҳон мулкида ҳоким
Бир хилда яшасин қашшоқ билан бой
Қашшоқда ҳам бўлсин оила, уй-жой
Ушбу эътиқодим менинг динимдир...

Маздак ва унинг издошлари томонидан кенг кўламда кўтарилган халқ кўзғолонининг мақсади ҳам ғояси ҳам тенглик ўрнатиш эди. Тенглик учун кураш ғояси халқ оммасини зулм, истибдодга қарши курашга кўтарган.

Бизгача бир неча ўнлаб ёзувлар (қабр тошлари ва бошқалар) етиб келган бўлиб, улар араблар ҳукмронлиги ўрнатилишидан олдин Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий тафаккурини умумий таърифлаш имконини беради. Ёзувларда давлат ҳокимиятнинг мустақиллиги, унинг қудрати, тинчлик ва осойишталикнинг ўрнатилиши халқнинг иқтисодий фаровонлиги билан узвий боғлиқлиги тўғрисидаги ғоялар берилган. Халқ ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳукмдорнинг бош бурчидир. Халқ эса ўз ҳукмдорига ишониши, уни қўллаб-қувватлаши керак. Ҳукмдор фармонлари фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Ҳукмдор ва халқнинг ўзаро келишуви - давлат мустақамлигининг энг муҳим принциpidир. Одамлар ва уларнинг ҳукмдорлари, уруғлар, қабилалар ўртасида адолатлилик, ўзаро келишув ва ҳурматнинг йўқлиги, турли гуруҳлар, шахслар ўртасида адолатлилик, ўзаро келишув ва ҳурматнинг йўқлиги, турли гуруҳлар, шахслар ўртасида ҳокимият учун кураш, душманларга ортиқча ишониш давлатчилик заминлари заифлашувининг сабаблари ҳисобланади. Бунинг натижасида мамлакатни чет эл босқинчилари томонидан босиб олиниши учун қулай шароитлар яратилади.

Бу ёзувлар заминидан мамлакатнинг парчаланишига, айирмачилар, ички ва ташқи душманлар, бойлик, мансаб, имтиёзлар деб разилликлардан қайтмайдиган ўз халқи, мамлақати манфаатларига хиёнат қилувчиларга қарши муросасиз кураш ғояси ётади. Уларда шунингдек, барча турк қабилаларини ягона давлатга бириктириш, кучли ҳокимиятни сайланадиган ҳукмдор кўлида қарор топтириш,

давлат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш гојлари ҳам баён этилади. Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи сифатида эълон қилинади. Бу ёзувлар ватанпарварлик, ўз Ватани ва халқига муҳаббат, аждодларининг анъана ва одатларини ҳурмат қилиш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш гојси, руҳи билан суғорилган.

1932 йилда Муғ тоғидаги қасрда ва қадимий Панжакентда VII-VIII асрларгача дахлдор 80дан ортиқ ҳужжатлар топилган. Улар орасида юридик ҳужжатлар ҳам бор. Бу ҳужжатлар даражаси анчагина юқори бўлганлигидан далолат беради. Шартнома шартларининг бажарилишини таъминлаш, ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, кейингиларнинг амалга оширилишини кафолатлаш механизми алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу ҳужжатлар заминида шартномалар тузишда қонун талабларига сўзсиз риоя қилиш; ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар субъектлар ҳуқуқий муносабатларининг тенглиги; шартнома шартларини бажаришнинг ижтимоий, иқтисодий ва юридик кафолатлари тўғрисида; битим шартларини бузганлик учун жазонинг муқаррарлиги тўғрисидаги гојлар етади.

4. Хулосалар:

Умуман, кўрибчиқилган даврсий-ҳуқуқий тизими ва тафаккури Ўзбекистон халқлари тарихида маълум илгари ташланган қадам эди. Бу даврда Ўрта Осиё элатлари ўзбеклар, туркманлар, тожиклар, қирғизлар ва бошқаларнинг зарур сийсий ва маданий заминларини яратишда олға қадам ташланганди. Ўлка сийсий-ҳуқуқий ҳаётининг ўзига хос хусусияти авлодларимизнинг мустақилликка ва бир-бирига яқин қабилаларни ягона давлатга бирлаштириш, тинчлик ва тенгликка интилишлари бўлган. Биз бу ерда милоддан аввалги I-мингйилликнинг биринчи чорақларига тугри келадиган "Авесто" китобини назарда тутмоқдамиз. Геродот, Ксенофонт, Ктесий, Полибий, Диодор, Арриан, Страбон, Плиний, Плутарх, Курций Руф, Помпей Трог ва бошқа юнонлик ҳамда римлик муаллифлар қолдирган ёзма манбалардан бошлаб утган бир неча асрлик даврга оид бой тарихий маънавий меросимизни яна бир эслаш ҳам қарз, ҳам фарз деб билдик.

Биринчидан, қувонарли томони шундаки, мазкур сийсий-ҳуқуқий таълимотларни кенг жамоатчиликка етказиш янада долзарб мавзуга айланди. Зеро, ёшларимизга тарих фанини ўқитиш давлат сийсати даражасидаги масаладир.

Иккинчидан, "Моддий ва маънавий ҳаётни уйғун ривожлантиришимиз керак. Мактаб бу борада асосий бўғин бўлиши лозим. Мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур", деганда давлатимиз раҳбари. Шунингдек, мактабларга буюк алломалар, давлат ва сийсат арбоблари, машҳур саркардаларнинг номларини берилиши ҳам диққатга сазовордир. Айниқса, Ибн сино нимидagi тиббиёт академик -лицейи ташкил этилса, тиббиётга қизиқадиган ёшлар мактаби бўларди. Ахир, президент Шавкат Мирзиёев 23 август куни ўтган йиғилишда таъкидлаганидек, эндиликда мактаблардаги "Миллий гој", "Одобнома", "Динлар тарихи", "Ватан туйғуси" каби фанлар бирлаштирилиб, ягона "Тарбия" фани жорий қилинади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш. Бизни муштарак тарих ва маданият, ягона муқаддас дин, ўхшаш менталитет боғлаб туради//Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари

учун ўтказилган брифингдаги нутқ, 29 ноябрь 2019 й. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/11/29/ca-briefing/> (Mirziyoyev Sh. We are bound by a common history and culture, a single sacred religion, a similar mentality // Speech at a briefing for the media at the end of the Second Summit of Central Asian Leaders, November 29, 2019. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/11/29/ca-briefing/>)

2. Саидов А.Х., Жўзжоний А.Ш. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари: тарихий-ҳуқуқий лавҳалар. - Т.: Ижтимоий фикр, 1998. - 215 б.; Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги: ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. - Т.: Тошкент ислом университети, 2002. - 256 б.; Исҳоқов С. Бурҳониддин Марғиноний ва фикҳ илми. - Т.: Адолат, 2000. - 136 б.; Уватов У. Имом Мотурудий ва унинг таълимоти. - Т.: Фан, 2000. - 124 б.; Ражабова М. Проблемы приступления и наказания по шариату: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. - Т.: 1996. - 26 с.; Ишанова Ш.А. Нормы шариата и их применение казийскими судами в Средней Азии до 1924 года: Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. - Т.: 1992. - 20 с.; Маҳкамов С. Ислом дини ва оила тарбияси. - Т.: Фафур Фулом, 2000. - 32 б.; Эргашева М. Инсон эрки ҳимоясида: Абдурауф Фитратнинг ҳуқуқий қарашлари // Ҳаёт ва қонун. 1998 -2010. (Saidov A.X., Juzjoniy A.Sh. The East and Human Rights: Historical and Legal Plates. - Т.: Social Thought, 1998. - 215 p.; Juzjani A.Sh. Islamic jurisprudence: Hanafi school and Central Asian jurists. - Т.: Tashkent Islamic University, 2002. - 256 p.; Ishakov S. Burhaniddin Marginoni and the science of jurisprudence. - Т.: Adolat, 2000. - 136 p.; Uvatov U. Imam Moturudi and his teachings. - Т.: Science, 2000. - 124 p.; Razhabova M. Problems of attack and punishment according to Sharia: Abstract. diss cand. legal sciences. - Т.: 1996. - 26 p.; Ishanova Sh.A. Sharia norms and their application by the Kazan courts in Central Asia until 1924: Abstract. diss cand. legal sciences. - Т.: 1992. - 20 p.; Mahkamov S. Islam and family upbringing. - Т.: G'afur G'ulom, 2000. - 32 p.; Ergasheva M. In defense of human freedom: Abdurauf Fitrat's legal views // Life and law. 1998 -2010)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирларитўғрисида"ги Қарори. Тошкент шаҳри, 2017 йил 24 май (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further improve the system of preservation, research and promotion of ancient written sources." -Tashkent, May 24, 2017).

4. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. -Т.: Адолат, 2003. -Б.34-35. Muqimov Z. History of the state and law of Uzbekistan. -Т.: Adolat, 2003. - P. 34-35).

5. Сағдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. - Т.: Академия, 2000. -Б.17-18. (Sagdullaev A., Aminov B., Mavlonov O., Norkulov N. History of Uzbekistan: development of the state and society. - Т.: Akademiya, 2000. -P.17-18.)

6. Мирзиёев Ш. Мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қаерда йўқ // 2018 йил 22 декабрь Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази қуриладиган ҳудудга ташрифида. (Mirziyoyev Sh. There is no other country with such a rich history and great scholars as our ancestors // December 22, 2018 during the visit of Uzbekistan to the construction site of the Center of Islamic Civilization)

7. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). - Т.: Шарқ, 2000. -Б.38-39. (Azamat Ziyov. History of Uzbek statehood (from the earliest times to the Russian invasion). - Т.: Sharq, 2000. В - 38-39)

8. Аширов А.А. "Авесто" ва зардуштийларнинг оила турмуши маросимлари ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 1. 2002. - Б.49-50. (Ashirov A.A. About "Avesto" and Zoroastrian family life ceremonies // Social sciences in Uzbekistan. № 1. 2002. - P.49-50.)

9. Аскарлов А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 6. 1996. - Б.68. (Askarova A. History, archeology and ethnology in the years of independence. Social sciences in Uzbekistan. № 6. 1996. - P.68.)

10. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т.: 1994. -Б.6. (Jabborov I. Ethnography of the Uzbek people. -Т.: 1994. -P.6.)

11. Матбобоев Б. Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари // Ўзбекистон тарихи. №-1, 2002. -Б.9-10. (Matboboev B. The roots of the first statehood in ancient Fergana. // History of Uzbekistan. №-1, 2002. -P.9-10.)

12. Маткаримова З. Қадимги Хоразм давлатларида ижтимоий-сиёсий тузум ва ҳуқуқ // Қонун ҳимоясида. 2000, 11-12 сон. -Б.3-6. (Matkarimova Z. The socio-political system and law in the ancient Khorezm states are protected by law. 2000, 11-12 son. - P.3-6)

13. Махмудов Т. "Авесто" ҳақида // Гулистон. №4, 1999. -Б.25. Тохир Карим. Муқаддас "Авесто" изидан. - Тошкент: Чўлпон, 2000. - 145 б. (Makhmudov T. About "Avesto" // Gulistan. №4, 1999. -P.25. Toxir Karim. In the footsteps of the Holy Avesto. - Tashkent: Cholpon, 2000. - 145 p.)

14. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. - Т.: Адолат, 2001. - Б.47. (Rtveladze E.V., Saidov A.X., Abdullaev E.V. Civilization of ancient Uzbekistan : Excerpts from the history of statehood and law. - Т.: Adolat, 2001. -P.47.)

15. Сагдуллаев А, Аминов Б, Мавлонов Ў, Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. -Т.: Академия, 2000. -Б. 21 (Sagdullaev A, Aminov B, Mavlonov O, Norkulov N. History of Uzbekistan: development of the state and society. -Т.: Akademiya, 2000. -B. 21).

16. Қудратов С. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатлар пайдо бўлишининг баъзи масалалари // Ўзбекистон тарихи. 2-сон. 1999. -Б.14. (Qudratov S. Some issues of the emergence of the first states in the territory of Uzbekistan. // History of Uzbekistan. Number 2. 1999. -P.14.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000